

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ДЕНИСОВА УМИДА ЖУМАМУРАТОВНА

**МАЛАКАЛИ БАСКЕТБОЛЧИ ҚИЗЛАРДА ТИКЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЛАЗЕР НУРЛАРИ ТАЪСИРИДА
ЖАДАЛЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Денисова Умида Жумамуратовна

Малакали баскетболчи қизларда тикланиш жараёнларини лазер нурлари таъсирида жадаллаштириш самарадорлиги.....3

Денисова Умида Жумамуратовна

Эффективность восстановительных процессов у квалифицированных баскетболисток под воздействием лазерной стимуляции.....27

Denisova Umida Jumamuratovna

The efficiency of recovery processes in qualified basketball players under the influence of laser stimulation.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....56

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ДЕНИСОВА УМИДА ЖУМАМУРАТОВНА

**МАЛАКАЛИ БАСКЕТБОЛЧИ ҚИЗЛАРДА ТИКЛАНИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЛАЗЕР НУРЛАРИ ТАЪСИРИДА
ЖАДАЛЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАҢЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped824 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Дилбар Джамаловна
биология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Алламуратов Шухратулла Иноятович
биология фанлари доктори, профессор

Рахимов Владимир Шавкатович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ургенч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019.Ped.28.01. рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “В” биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.

Диссертация автореферати 20__йил “___” _____ кунни тарқатилди.
(20__ йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д., (PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё баскетбол спорт амалиётида ўта кескин рақобат остида кечаётган халқаро мусобақаларда спорт натижалари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Замонавий баскетбол оламида охириги 20 йил ичида юкломаларнинг хажми ва жадаллиги 2-5 марта ошди. Бу ўз навбатида машғулотлар хажми ва шиддатини янада оширишни яъни спортчиларда жисмоний имкониятлар заҳирасини кучайтириш, техник-тактик ҳаракатлар кўламини кенгайтириш талабини кўймоқда, бу ўз ўрнида спортчи қизлар организмига ва спорт натижаларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабаб, баскетболчи қизларда ўта толиқиш белгиларини олдини олиш ва қайта тиклаш муддатларини қисқартириш, воситалар ёрдамида жаддаллаштириш илмий жиҳатдан асослаб бериш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда малакали баскетболчи қизларнинг юкломаларга мослашиш ва организмини қайта тикланиши бўйича мураккаб спорт йиғинларидан сўнг организмда содир бўладиган жараёнлар, локал ва глобал толиқиш ёки ўта толиқиш аломатларини пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Баскетбол спорт тури ривожланган мамлакатларда мусобақа ва машғулот жараёнида воситаларни табақалаштириш, функционал заҳира имкониятларини бошқаришга қаратилган тикловчи технологиялар ишлаб чиқилган. Спортчилар организмини тикланишини табиий механизмларини ўрганиш учун ҳамда организмнинг табиий механизмларини бузмасдан тиклаш жараёнини тезлаштирадиган ва асосийси, спортчилар саломатлигига зарар етказмайдиган таъсир усулларини излаб топишда муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда ҳам жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги асосий йўналишларидан бири “Ўзбекистон спорт терма жамоаларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, жаҳон, қитъа спорт мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш” масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Бу борада бир қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлсада, шунга қарамадан, спортчилар организмини жадал тренировка ва мусобақа юкломаларидан кейинги тикланиши муаммоси – замонавий спорт амалиётида ўта муҳим ҳисобланади ва илмий тадқиқот предмети сифатида етарлича очиб берилмаган. Замонавий талабларга энг тўлақонли тўғри келадиган ва спортчилар организмини тикланиши учун маъқул бўлган усуллардан бири лазеротерапия – иммун тизим хужайраларига паст жадалликдаги магнитли-инфракизил лазер нурлари билан таъсир қилиш ҳисобланади. Тренировка юкломаларини, хажми ва жадаллигини ортиши, мусобақалар турларининг диапазонини кенгайтириши ва сонини ортиши эвазига, спортчиларнинг тўлақонли ҳаракат фаоллигини намоён қилишларини чегаралайди, бу эса спорт натижаларига салбий натижасини кўрсатади. Муҳокама қилинаётган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентини 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-рақамли Фармони

муаммоларнинг барчаси спортчиларни нуфузли мусобақаларга тайёрлаш жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш ва қайта тиклаш муддатларини қисқарттириш – ўта муҳим ва тадқиқот предмети сифатида деярли ўрганилмаганлиги учун илмий-амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПҚ-2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио (Япония) шаҳрида ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида», 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 ноябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Спортнинг ҳар хил турларида ихтисослашган спортчилар организмни тиклашнинг педагогик ва тиббий-биологик жиҳатлари кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинган кўпгина илмий адабиётлар ва нашрий ишлар мавжуд. Нашрий илмий журналлар, ўқув қўлланмалар ва монографияларда келтирилган маълумотлар кўпинча муаммонинг хусусий томонларини ёритади, уларда асос солувчи ахборотлар яқка ҳолатларда учрайди ва организмнинг тикланишига тааллуқли жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар доим ҳам очиқ бермайди. Охириги вақтдаги нашрий ишларни таҳлил қилиш, кўпчилик тадқиқотчилар спортнинг ҳар хил турларида ихтисослашган спортчилар организмда тикланиш жараёнларини таъминлаш учун хилма хил усулларни қўллашганидан далолат беради (Акрамов Ж.А., Гулямов Н.Г., Сафарова Д.Д., Макарова Ю.М., Лепешкин В.А., Латыпов И.К., Ионов А.А., Фаттахов Р.В., Кузьмин Е.Б., Сафронов Н.Н., Виноградова Г.П., Ивченко Е.А., Былеева Л.В. и др., Павлов С.Е., Кузнецова Т.Н., Дубровский В.И., Вальтин А.И., Губа В.П., Н.Н. Чесноков., Губа В.П., Родина А.В., Морган Вуттен, Richardson А.)².

² Акрамов Ж.А., Гулямов Н.Г., Сафарова Д.Д. Восстановление организма спортсменов из состояния перетренированности: эффект лазеротерапии / в сборнике Международной конференции «Проблемы современной морфологии человека М.: «РГУ», 2008, С. 129-131.; Макарова Ю.М. Теория и методика обучения базовым видам спорта. Подвижные игры. М.: Изд. Центр, «Академия» 2013 270 с.; Лепешкин В.А. Баскетбол (подвижные и учебные игры /Изд-во «Советский спорт», Москва, 2011, 160 с.; Латыпов И.К. Управление игрой в баскетбол, Москва, 000 изд-во Центр «Наука», 2014, 70 с.; Ионов А.А., Фаттахов Р.В., Кузьмин Е.Б., Сафронов Н.Н. Технология физкультурно-спортивной деятельности в скоростных и подвижных играх Изд-во КамГА ФКс и т, 2009-,348 с.; Виноградова Г.П., Ивченко Е.А. Физическая рекреация /Учебник Москва: Издательский Центр «Академия», 2015 г. 230 с.; Морган Вуттен. Как добиться успеха в подготовке баскетболистов. Изд-во «Дивизион», 2008. 109 с.; Павлов С.Е., Кузнецова Т.Н. Некоторые физиологические аспекты спортивной тренировки в плавании: Методическая разработка для

Масалан, спорт соҳасидаги кўпчилик педагоглар тренировка жараёнида тикланишнинг жисмоний воситаларини табақалаштириш зарур, деб ҳисоблашади. Муаллифлар томонидан тренировка пайтида юкламаларни ва тикланиш воситаларини тақсимлашнинг тахминий схемалари ишлаб чиқилган. Ҳозирги вақтга қадар, айрим ишларда, спортчиларни реабилитацияси учун “билвосита массаж”ни қўллашнинг физиологик самараси, жумладан уларни вегетатив таъминотнинг ижрочи звеносига ҳам ва механизмларига ҳам таъсири анъанавий тарзда муҳокама қилиб келинмоқда (Барабанкина Е.Ю., Чемов В.В., Иванова А.Н.)³.

Бир қатор мутахассислар юқори малакали спортчиларни тайёрлашда лазеротерапияни қўллашган (Акрамов Ж.А., Гулямов Н.Г., Сафарова Д.Д., Скобелкин О.К., Павлов С.Е.)⁴. Демак, баскетболчи қизлар организмини ортиқча толиқиши пайтида тикланиш жараёнларини таснифлаш учун функционал захира имкониятларини бошқариш тамойилларини ишлаб чиқиш, спортчилар томонидан масъулиятли мусобақалар босқичида юқори спорт натижаларига эришишда биринчи даражали аҳамият касб этади. Бундай турдаги тадқиқотларни ўтказиш спорт назарияси ва амалиёти учун, хусусан спортчилар организмини тикланишини табиий механизмларини ўрганиш учун ҳамда организмнинг табиий механизмларини бузмасдан тиклаш жараёнини тезлаштирадиган ва асосийси, спортчилар саломатлигига зарар етказмайдиган таъсир усулларини излаб топишда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалаларни ҳал қилиш имконини беради. Ундан ташқари, спортчи қизларни тайёрлаш тренировка жараёнини табақалаштирилган ҳолда тузишни, юкламаларни тақсимлаш схемасини спортчилар организмини тиклашнинг инновацион усулларини қўллаш орқали ишлаб чиқишни талаб қилади. Келтирилган муаммоларнинг долзарблиги, уларни қисқа муддатларда ҳал қилинишини талаб қилади, бу, мазкур тадқиқотларни ўтказиш учун асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан

преподавателей и аспирантов РГАФК. - М.: РГАФК: Принт-Центр, 1998. – 33 с.; Дубровский В.И. Спортивная медицина Изд. «Владос» Москва, 2002 –С. 512 (231 -235, 266- 392); Вальтин А.И. Проблемы современного баскетбола Киев, 2003, 78 с.; Губа В.П., Н.Н. Чесноков. Резервные возможности спортсменов –Москва, 2008, «Изд. во физическая культура» монография –146 с.; Губа В.П.,РодинаА.В., Модернизация теории и методики спортивных игр //Теория и практ. физ. культ, №4, 2010, С. 16-19. Richardson A/ - Basketball referee camp In conjunction with Milfield enterprises. 2002, 85 p.

³ Барабанкина Е.Ю. Методика стимуляции срочного восстановления у спортсменов, специализирующихся в беговых видах легкой атлетики/Автореф.канд.пед.наук. Волгоград, 2013- 21с.; Барабанкина Е.Ю., Чемов В.В., Иванова А.Н. Сравнительный анализ эффективности использования дополнительных средств оптимизации восстановления у легко-атлетов-стайеров // Материалы итоговой научной конференции студентов, аспирантов (соискателей) и молодых ученых за 2011 год (г. Волгоград, 5-6 апреля 2012г.) - Волгоград: ВГАФК, 2012. - С. 24-27.

⁴ Акрамов Ж.А., Гулямов Н.Г., Сафарова Д.Д. Восстановление организма спортсменов из состояния перетренированности: эффект лазеротерапии / в сборнике Международной конференции «Проблемы современной морфологии человека М.: «РГУ», 2008, С.129 – 131.; Скобелкин О.К. Новые направления «Тенденции развития лазер и другие. «Новые направления лазерной медицины». Матер. Межд. Конференции – М, 1996, - С.3-8.; Павлов С.Е. – Современная теория адаптации и опыт использования ее в основных положений в подготовке пловцов. //Теория и практика физической культуры, 2002, №2, С. 32-37

боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режалсига мувофиқ №V-I-3 “Терма жамоаларга аъзо катта ёшли волейболчилар ва баскетболчилар машғулотларида ўта толиқиш аломатларини бартараф этиш ва иш қобилиятини тиклаш чоралари асосида техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини ошириш” мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малакали баскетболчи қизларда жисмоний ишчанлик қобилиятини тикланиш жараёнининг инновацион технологиялар таъсири остида самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

малакали баскетболчи қизларнинг ўйин амплуасини ва морфофункционал кўрсаткичлари асосида истикболни башорат қилишни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг жисмоний ривожланиши даражасини ва тана массаси таркибини қиёсий баҳолаш;

баскетболчи қизларнинг морфофункционал кўрсаткичлари билан махсус ҳаракат сифатларини намоён қилиниши ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликларни ишлаб чиқиш ва кейинчалик ўйин фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган умумий ва махсус жисмоний сифатларни педагогик экспертиза қилиш;

малакали баскетболчи қизларнинг ортиқча толиқиши ва қайта тикланиш ҳолатини башорат қиладиган информатив мезонларни ишлаб чиқиш;

лазеротерапия кўринишидаги махсус тикловчи воситаларни ишлаб чиқиш ва лазер таъсирида баскетболчи қизлар организмни тикланиши суръатларига таъсирини кейинчалик баҳолаш билан амалиётда қўллаш. Олинган натижалар асосида “Лазер таъсирида малакали баскетболчи қизлар организмни тикланиши суръати” бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Олмалиқ кон-металлургия комбинати баскетбол клуби малакали баскетболчи қизларнинг жисмоний ишчанлик қобилиятини лазер таъсири ва иммун тизими кўрсаткичларини қўллаш орқали тиклаш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети малакали баскетболчи қизлар организмни тикланиши суръатларига инновацион технология таъсирининг самарадорлигига ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, жисмоний тайёргарликни педагогик тестлаш, педагогик тажриба, морфологик ва физиологик усуллар, цитокимёвий ва иммунологик усуллар, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

баскетболчиларнинг тезкор-куч қобилиятини ривожлантириш учун тренировка жараёнининг ҳар хил мезоциклларида мушакларнинг изометрик,

изокинетик ва ауксотоник иш режимидаги машқларни қўллаш ҳисобига махсус ҳаракат тайёргарлигини ошириш имконияти такомиллаштирилган;

баскетболчи қизлар организмининг кучли юкламалар таъсирида ортиқча толиқиш ҳолатидан умумий ва махсус тайёргарлик кўрсаткичларини тикланиш муддатларини қисқариши ҳисобига асосий ўйинларга тайёрлаш имконияти кенгайтирилган;

баскетболчи қизларнинг юқори ишчанлик қобилиятини ривожлантириш учун организмнинг аэроб имкониятларидан келиб чиқиб энгил атлетика воситаларини танлаш ҳисобига умумий жисмоний тайёргарлигини ошириш имконияти кенгайтирилган;

баскетболчи қизларнинг махсус ҳаракат сифатларини ривожлантириш учун соматик параметрларини ҳисобга олган ҳолда жамоа ўйинчиларининг амплуасидан келиб чиқиб тана вазни компонентлари бўйича ўйин тактикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лазеротерапияни қўллаш нафақат тикланиш жараёнларини тезлаштириш учун балки баскетболчи қизларнинг техник-тактик маҳоратини такомиллаштиришда, баскетболчи қизларда жисмоний ишчанлик қобилиятини оширишда, махсус ҳаракат сифатларини ривожлантириш учун ҳам самарали эканлиги аниқланди;

лазеротерапиянинг самараси ЎМП миқдорини ички муҳитда пасайишини тезлашишида ва организмдан эндоген интоксикацияни бартараф қилиниши муддатларини қисқартирилишида намоён бўлди. Магнитли-инфрақизил лазеротерапияни иммунитетнинг фагоцитар бўғини динамикасига таъсир кўрсатиши, баскетболчи қизлар организмни ортиқча тренировка қилганлиги ҳолатидан қайта тикланишга ўтиш муддати (1-2-суткасида) намоён бўлиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва услубий база, илмий тадқиқотнинг мантиқий кетма-кетлиги, спорт ўйинлари назарияси ва услубияти соҳасидаги мамлакатимиз ва чет эл олимлари, шунингдек, амалиётчи мураббийларнинг фикрларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ва ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тиббий-биологик тадқиқот услубларининг қўлланганлиги, олинган натижаларни математик-статистик таҳлил қилиш усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида малакали баскетболчи қизларнинг махсус жисмоний сифатларини ривожлантириш ва ўйин амплуасини ҳисобга олган ҳолда жисмоний ишчанлик қобилиятини ошириш учун йўналтирилган тренировка жараёнини тажрибавий дастури ишлаб чиқилгани, илк бора, баскетболчи қизлар организмни толиқишдан кейин, иммун тизимига, хусусан магнито-инфрақизил лазеротерапияли нурланиш билан таъсир қилиш йўли орқали анча жадал ва тўлақонли тикланишига эришиш

имконини намоёиш қилувчи натижалар олингани асосида мазкур муаммонинг услубий таъминоти такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий белгиланган иммунологик мезонлар асосида спортчилар организмни оширилган функционал юкламаларга адаптация қилиш қобилиятларини башорат қилиш, жисмоний юкламалар хажмини мулоғим режалаштириш, толиқиш ва ортиқча толиқиш ҳодисаларини юзага келишини олдини олиш, айнан масъулиятли мусобақалар босқичида ишчанлик қобилиятининг юқори даражада бўлишини сақлаб туриш имкониятлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Малакали баскетболчи қизларнинг тренировка жараёнида паст жадалликдаги магнито-инфрақизил лазеротерапияни қўллаш бўйича тажрибаларда олинган илмий натижалар асосида:

баскетболда тана компонентининг таркибий кўрсаткичларини аниқлаш асосида ҳужумчи, ҳимоячи ва марказий ўйинчилар амплуалари белгилаш тартиби “ОГМК” баскетболчи қизлар жамоасининг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 28 август 2020 йилдаги №02-07-08-2318 рақамли маълумотномаси). Натижада, тажрибаларнинг якунига келиб, спортчи қизлар организмнинг тўлиқ тикланиши жараёни 3-суткада охирига етди, бу ҳодиса 2 кунга тез содир бўлди;

тананинг соматик ўлчамлари ва айланма кататликларини жисмоний ишчанлик қобилиятига боғлиқлигини аниқлаш асосида баскетболчи қизларнинг тезкор-куч сифатларини ошириш воситалари Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт мактаби баскетболчи қизлар жамоасининг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилиниши асосида “Баскетбол назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма нашр этирилади (Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус таълим вазирлигининг 2021 йилдаги 237-сонли буйруғи асосида 237-287 рақамли гувоҳномаси). Натижада, тезкорлик жисмоний сифатини “100 м югуриш” тестида баҳолаш пайтида ўсиш 4,2% ни, “жойидан туриб узунликка сакраш” тестида баҳолаш пайтида - 3,0% ни ташкил қилди;

тренировка дастурлари самарадорлигини, тикловчи воситаларнинг махсус мажмуаларини, хусусан, махсус жисмоний сифатларни ривожлантириш ва жисмоний ишчанлик қобилиятини малакали баскетболчи қизларнинг ўйин амплуасини ҳисобга олган ҳолда ошириш учун лазеротерапияни қўллаш бўйича тавсиялар Спортнинг олимпия ва миллий турлари бўйича Нукус олий спорт мактаби баскетболчи қизлар жамоасининг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилиниши асосида “Баскетбол назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма нашр этирилади (Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус таълим вазирлигининг 2021 йилдаги 237-сонли буйруғи асосида 237-287 рақамли гувоҳномаси). Натижада, тажрибаларнинг якунига келиб, тезкор чидамлик жисмоний сифатини “800 м югуриш” тестида баҳолаш пайтида ўсиш 5,2% ни ташкил қилди;

тренировка дастурлари самарадорлигини тикловчи воситатларнинг махсус мажмуаларини, хусусан, махсус жисмоний сифатларни ривожлантириш учун лазеротерапияни қўллаш бўйича тавсиялар Тошкент шаҳар Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ИБЎСМ баскетболчи қизлар жамоасининг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилиниши асосида “Баскетбол назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма нашр этирилади (Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус таълим вазирлигининг 2021 йилдаги 237-сонли буйруғи асосида 237-287 рақамли гувоҳномаси). Натижада, тажрибаларнинг якунига келиб, куч жисмоний сифатини “ичи тўлдирилган тўпни улоқтириш” тестида баҳолаш пайтида ўсиш 13,9%, тезкорлик жисмоний сифатини “30 югуриш” тестида баҳолаш пайтида ўсиш 3,6% ни ташкил қилди;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 илмий-услубий иш, жумладан 1 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 3 та илмий мақола, (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та бобдан ва хулосалардан иборат бўлиб, 151 саҳифалик матн, 2 та расм, 13 та жадвал, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ва уларнинг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муаммони адабиётлар манбалари бўйича ўрганилганлик ҳолати”** деб номланган биринчи бобида тренировка жараёнини спортчи қизларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузиш масалалари кўриб чиқилган. Тренировка ва мусобақа жараёнлари шундай катталикларга кўтарилдики, уларни спортчи қизлар организмига таъсири индивидуал адаптациянинг чегаравий имкониятлари

даражасига етди (Павлова О.И., 2004; Ткачук М.Г., Апойко Р.Н., 2016; Сафарова Д.Д. ва б., 2017). Жинсий диморфизм белгилари илк бора структуравий таркибда – генетик, анатомик, функционал ва психологик даражаларда умумлаштирилган кўринишда келтирилган.

Мамлакатимиз олимларини (Усманходжаев Т.С., 2002; Курбанова М.А., 2006; Расулов Р., 2006; Тажибаев С.С., 2018; Ганиева Ф.В., Каримов Б.З., 2018) ҳаракатли ўйинларни жисмоний сифатларни ҳамда спортнинг ўйин турлари вакилларини умумий тайёргарлигини ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисидаги маълумотлари келтирилган. Кўп йиллик спорт тренировкиси пайтида ҳаракатли ўйинлар кенг доирадаги олимларнинг эътиборини нафақат соғломлаштириш манбаси сифатида, балки ҳаракат сифатлари ва кўникмаларини табақалаштирилган такомиллаштириш сифатида ҳам эътиборини жалб қилади (Сысоев В.И; Кузин В.В., Полиевский С.А., 2000; Жуков М.Н., 2002; Лепешкин В.А., 2004; Былеева Л.В., 2005; Макаров Ю.М., 2013; Былеева Л.В. ва б., 2014).

Баскетболда ихтисослашган спортчи қизларнинг умумий ва махсус тайёргарлиги структураси кўриб чиқилган (Назаренко Л.Д., 2003; Безруких М.М. ва ҳаммуаллифлар., 2002; Лях В.И. ва ҳаммуаллифлар., 2002; Иванова Г.П. ва ҳаммуаллифлар., 2003; Назаренко Л.Д., Фунина Е.Е., 2004; Лях В.И., 2006, ва б.). Спортчи қизлар организмни толиқиши, ортиқча кучланиши ва ортиқча тренировка қилганлигини ташҳис қилиш ҳамда тиклаш йўллари илмий-методик жиҳатлари таҳлил қилинган. Паст энергетик лазерли нурланиш хусусиятларини қўллаш билан спортда ишчанлик қобилиятини тиклаш ва ошириш услубиятини ишлаб чиқиш зарурати асосланган (Гулямов Н.Г., Сафарова Д.Д., Акрамов Ж.А., 2008). Спортда тикланиш муаммоларини илмий асослаш масалалари ҳозирги вақтда охиригача ҳал қилинмаган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда тикланиш муаммоси долзарб ҳисобланади ва шу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш учун асос бўлди.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг усуллари ва уни ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг олдида қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, жисмоний тайёргарликни педагогик тестлаш ва назорат қилиш, педагогик тажриба, морфологик ва физиологик усуллар, цитокимёвий ва иммунологик усуллар, математик статистика усуллари ёритилган.

Педагогик ва тиббий-биологик усуллар ёрдамида тажриба гуруҳини (ТГ) ташкил қилган “ОКМК” (Олмалиқ кон-металлургия комбинати баскетбол клуби) жамоасини малакали баскетболчи қизлари ва назорат гуруҳини (НГ) ташкил қилган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиде таҳсил олаётган баскетболчи қизлар жамоаси тадқиқ қилинди. ТГда тикловчи воситалардан магнитли инфрақизил лазер нурланиш, НГда эса, тикланишнинг анъанавий усуллари қўлланилди.

Тадқиқотни ташкил қилиш жараёни уч босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда, тадқиқ қилинаётган муаммо бўйича адабиётларнинг таҳлили амалга оширилди, тадқиқотнинг мажмуавий

усуллари ўзлаштирилди, бир вақтнинг ўзида баскетболда ихтисослашган спортчи қизларни умумий ва махсус тайёргарлиги мазмуни, воситалари, усуллари ва шакллари аниқланди.

Иккинчи босқичда, информатив педагогик тестлар асосида баскетболчи қизларнинг тажрибаларгача ва тажриба дастури қўлланилганидан кейинги умумий ва махсус тайёргарлигини баҳолаш амалга оширилди. Баскетболнинг талабларига мос келадиган махсус жисмоний сифатлар кўрсаткичларини ўсиши, биз томондан ишлаб чиқилган ва қўлланилган дастурнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Учинчи босқичда, иммун тизимига таъсир кўрсатувчи, жисмоний ишчанлик қобилияти даражасини оширишда тикловчи самарага эга бўлган лазеротерапияни қўллаш бўйича биз томондан ишлаб чиқилган услубни тажрибаларда текшириш амалга оширилди.

Таққослаш мақсадида малакали баскетболчи қизларнинг нафақат жисмоний ривожланишни, балки тана массасининг компонентли таркибини баҳолаш, кейинчалик антропометрик ўлчаш усулларини ва Хит-Картер (1989) усули бўйича соматотиплашни қўллаш билан уларнинг қадди-қомати тузилишини ташхис қилиш амалга оширилди.

Баскетболчи қизларнинг функционал имкониятларини баҳолаш пайтида, уларнинг истиқболлигини башорат қилиш кардиреспиратор тизимининг информатив кўрсаткичларини қўллаш билан амалга оширилди, яъни: гемодинамика кўрсаткичларини – СХ (систолик ҳажми), ҚАДХ – қон айланишининг дақиқалик ҳажмини, ЮҚЧни, жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичларини (PWC₁₇₀, КДИ – кислородни дақиқалик истеъмолини, ГСТИ – Гарвард степ-тести индексини). Қонда нейтрофилларнинг функционал-метаболик фаоллигини (НФМФ) иммунологик усуллар – нитрокўк тетразолий (НСТ-тест) тикловчи тестини ёки НСТ-тестни спектрофотометрик усулда ўтказиш билан аниқладик. Эндоген интоксикацияни қон плазмасида ўрта молекуляр пептидларнинг миқдори бўйича аниқладик.

Диссертациянинг **“Малакали баскетболчи қизларнинг жисмоний ривожланиши ва функционал имкониятларини мажмуавий назорат қилиш”** деб номланган учинчи бобида баскетболда ихтисослашган спортчиларни ўйин амплуасини ҳисобга олган ҳолда, антропометрик белгиларини – танасининг тотал ва парциал катталиклари асосида жисмоний ривожланишини баҳолаш натижалари келтирилган.

Тананинг тотал ва парциал катталиклари кўрсаткичлари баскетболда ихтисослашган спортчи қизларнинг жисмоний ривожланиши даражасини, уларнинг тана тузилиши хусусиятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзгарувчанликнинг ўртача даражасини тана сонларининг айланаси (σ -5.04), қорин айланаси (σ -5.66), елка кенглиги (σ -5.55), кўндаланг катталикларидан – елканинг дистал қисми (σ -4.49) ва соннинг дистал қисми (σ -5.85) намоён қилди. Парциал катталиклари кўрсаткичлари диссертацияда келтирилган.

Баскетболчи қизлар танаси юзасидаги териости ёғ қатламининг тақсимланиши таҳлил қилинганида марказий, хужумчи ва химоя амплуасидаги ўйинчиларда ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилган. Баскетболчи қизларнинг ўйин амплуасини ҳисобга олиш билан Я.Матейка томонидан таклиф қилинган формула бўйича тана массаси компонентларининг фоизли нисбатлари (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Баскетболда ихтисослашган спортчиларни ўйин амплуаларини ҳисобга олган ҳолдаги тана массасини компонентли таркиби кўрсаткичлари (n=30)

Тури, амплуаси	Тана узунлиги, см	Тана массаси, кг	Мушак массаси, %	Ёғ массаси, %	Суяк массаси, %
Марказий ўйинчи (n=10)	179,3±1,9	73,2±1,6	35,8±2,7	20,2±3,4	13,9±1,3
Хужумчи (n=10)	175,8±0,8	70,5±1,0	34,1±2,8	18,0±3,3	14,4±1,3
Химоячи (n=10)	172,1±1,8	66,8±1,4	32,1±2,8	17,2±3,4	14,2±1,2

Изоҳ: n – спортчилар сони

Ёғ компонентининг миқдори бирмунча юқори эканлигини айтиш лозим, чунки малакали баскетболчиларда ёғнинг миқдори ўртача 14% ни ташкил қилиши керак (В.П.Чтецов, Б.А.Никитюк,1991), лекин тадқиқ қилинган баскетболчи қизларнинг ушбу кўрсаткичлари, ўйин амплуасига боғлиқ равишда 17,2±3,45% дан то 20,2±3,4% гача фарқ қилиши аниқланган

Баскетболчи қизларда ёғ тўқималарининг ортиқчалиги бир қатор омилларга, аввалам бор, истеъмол қилинадиган озиқа калорияларига боғлиқ бўлиб, буни муҳитли омилларнинг таъсири самараси сифатида баҳолаш мумкин. Талабларга мос келмайдиган тренировка юкламаларининг қўлланилиши, ёғ тўқималарининг ортишига олиб келади, деб тахмин қилдик. Марказий ўйинчилар тана массаси таркибидаги мушак компонентининг миқдори хужумчиларникига нисбатан 4,7% ва химоячиларникига нисбатан 3,6% юқори, суяк компонентининг миқдори бўйича эса, хужумчилар ва химоячиларнинг кўрсаткичлари марказий амплуадаги ўйинчиларникидан бироз юқори.

Малакали баскетболчи қизларнинг жисмоний тайёргарлиги, функционал ҳолати ва тана тузилишининг морфологик параметрлари кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш мақсадида жуфтлик корреляция коэффициентларининг математик усули қўлланилди. Маълумотларни таҳлил қилиш, 30 м югуриш натижаларини қўллар ва оёқлар узунлиги билан $r=0,82$, сонининг айланаси билан – $r=0,72$ кучли

корреляцион алоқага эга эканлигини кўрсатди. 100 м ва 800 м югуриш ва тана узунлиги кўрсаткичлари ўртасида (мос равишда $r=0,77$ ва $r=0,91$), жойидан туриб узунликка сакраш ва тана узунлиги, қўллари ва оёқлари узунлиги ўртасида ҳам (мос равишда $r=0,84$, $r=0,79$ ва $r=0,86$) юқори корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Тана массаси ва PWC_{170} ($r=0,89$), сонининг айланаси ва PWC_{170} ($r=0,87$) ўртасида аниқланган юқори корреляцион боғлиқликлар, ушбу параметрлар ўзаро боғлиқ эканлиги ва малакали баскетболчи қизларнинг жисмоний ишчанлик қобилиятлари даражаси нафақат узунлик катталиклари каби соматик параметрлар билан, балки тана массаси ва сонининг айланаси билан ҳам белгиланиши тўғрисида далолат беради.

Шундай қилиб, энг юқори корреляцион коэффицентлар тана катталиклари, хусусан, тананинг оёқ-қўллари узунликлари кўрсаткичларида аниқ намоён бўлади. Юқори корреляцион коэффицентлар айлана катталиклари учун характерлидир, хусусан, сонининг айланаси билан 800 м ва 30 м югуриш ўртасида боғлиқлик аниқланган (мос равишда $r=0,75$ ва $r=0,72$).

Корреляция коэффицентининг $r=0,50$ дан то $0,70$ гача бўлган ўртача қийматлари билан тавсифланадиган кўрсаткичларнинг иккинчи гуруҳига сон ва тоснинг, елканинг айланаси, тана массаси катталиклари киради. Тестлаш натижаларига кўра қисқа ва узун масофаларга югуриш натижалари бўйича тезкорлик сифатларини ривожланиши жадаллиги тана тузилишининг соматик белгилари билан ўзаро алоқаларни шакллантиришда ўз хусусиятларига эга. Корреляция коэффицентларининг ўртача қийматлари 30 м югуриш билан тана массаси – $r=0,67$, тоснинг айланаси – $r=0,67$ натижалари бўйича аниқланган. 100 м югуриш натижалари қўлларнинг узунлиги – $r=0,69$ ва оёқларнинг узунлиги – $r=0,67$ каби кўрсаткичлар билан корреляция қилади. Тананинг узунлик ва айланали кўрсаткичларининг кўпчилиги учун аниқланган юқори корреляцион ўзаро боғлиқликлар, уларни соматик омил сифатида белгилаш имконини беради. Агарда, 800 м югуриш натижалари тана узунлиги билан энг юқори – $r=0,91$ корреляция коэффиценти билан корреляция қилса, унда, тананинг ушбу соматик белгилари билан ўртача қийматли коррелятив ўзаро алоқаларни тана массаси – $r=0,67$, тос айланаси – $r=0,64$, елка айланаси – $r=0,52$ намоён қилди. Жойидан туриб юқорига сакраш машқида юқори коррелятив ўзаро алоқалар намоён бўлди ва уларни баскетболчи қизларни тезкор-куч қобилиятлари сифатида баҳолаш мумкин ($r=0,84$ дан то $0,86$). Бу, Б.А.Никитюкни ривожланган эктоморфияга эга бўлган шахслар, индивидуал ривожланиши жараёнида, тана тузилиши брахиоморф типдаги одамларга нисбатан узоқроқ муддат ўсишади, деган фикрини тасдиқлайди. Баскетболчи қизларнинг тезкорлик сифатларини ривожланиши давом этади, бу тўғрисида тезкорлик ва тезкор-куч сифатларини ривожланиши даражасини намоёиш қиладиган

30 ва 100 метрга югуриш натижалари бўйича хулоса чиқариш мумкин (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Малакали баскетболчи қизларнинг жисмоний тайёргарлиги, функционал ҳолати ва тана тузилишининг морфологик параметрлари кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлиги кўрсаткичлари (n=30)

Тестлар номи	Пед.тестлар натижалари	Тана тузилишининг морфологик параметрлари							
		Тана узунлиги	Қўллар узунлиги	Оёқлар узунлиги	Тана вазни	БВИ	Тос айланаси	Болдир айланаси	Елка айланаси
		175,04±10	77±2,33	95±2,6	64,53±10	362,8±47,8	92,25±7	52,1±4,5	23,33±2,5
30м.га юшуриш	$x_{cp}=4,63$ сек	-	$r=-0,82$	$r=-0,82$	$r=-0,67$	$r=-0,46$	$r=-0,66$	$r=-0,72$	$r=-0,49$
100м. га юшуриш	$x_{cp}=13,4$	$r=-0,77$	$r=-0,6$	$r=-0,67$	$r=-0,41$	$r=-0,20$	$r=-0,43$	$r=-0,61$	$r=-0,27$
800м.га юшуриш	$x_{cp}=2,22$	$r=-0,91$	$r=-0,77$	$r=-0,84$	$r=-0,45$	$r=-0,16$	$r=-0,54$	$r=-0,66$	$r=-0,39$
PWC ₁₇₀ ватт	$x_{cp}=250,3$	$r=0,14$	$r=0,2$	$r=0,1$	$r=0,89$	$r=0,25$	$r=0,31$	$r=0,87$	$r=0,36$
МКИ л/дақ.	$x_{cp}=4,35$	$r=0,17$	$r=0,22$	$r=0,1$	$r=0,24$	$r=0,27$	$r=0,33$	$r=0,44$	$r=0,39$
Жойдан тепага сакраш см.	$x_{cp}=55,22$	$r=0,84$	$r=0,79$	$r=0,86$	$r=0,67$	$r=0,45$	$r=0,64$	$r=0,75$	$r=0,52$

Ташхис учун энг маъқул кўрсаткичлар – ватт ҳисобида олинган, PWC₁₇₀ бўйича жисмоний ишчанлик қобиляти, у билан боғлиқ бўлган соматик белгилардан – тана массаси ва соннинг айланаси (мос равишда $r=0,89$ ва $0,87$) ҳисобланади. Биз томондан синовдан ўтказилган ТГ баскетболчи қизларидан 15 нафаридан 6 нафаридан PWC₁₇₀ бўйича энг катта жисмоний ишчанлик қобиляти аниқланган (бу, 10 – 2233,3 кг/м/мин ёки 372 ватт 1 – 2170,3 кг/м/мин ёки 399 ватт, 2 – 1817,3 кг/м/мин ёки 302 ватт, 5 – 1419 кг/м/мин ёки 236,5 ватт 6 – 1657,2 кг/м/мин ёки 276,2 ватт, 8 – 1419,0 кг/м/мин ёки 236,5 ватт, рақамли баскетболчи қизлар) бўлиб, улар кардиореспиратор тизимнинг энг яхши кўрсаткичларини намойиш қилишган. 4, 7, 9, 11, 13 и 14, 15 рақамли баскетболчи қизлар юқори даражадаги ишчанлик қобилятини намойиш қилишган, лекин МКИ ни ўртача ёки паст қийматлари билан тавсифланади.

Жисмоний ишчанлик қобиляти кўрсаткичлари бўйича натижавийликдаги фарқларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, баскетболчи қизларнинг мазкур гуруҳини миллий терма жамоа аъзолигига заҳира сифатида кўриб чиқиш зарур, улар, мос равишдаги жисмоний ва техник тайёргарликдан ўтказилганида, муҳим халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилишлари мумкин (3-жадвалга қаранг).

**Тренировка циклининг мусобақа олди босқичида ТГ баскетболчи қизларини
жисмоний ишчанлик қобилияти ва тренировка қилганлиги даражаси
кўрсаткичлари (n=15)**

№	Исми-шарифи	Разряд	Жисмоний ривожланиши	Жисмоний ишчанлик қобилияти (кг/м/мин)		ЎТС (литр)	ГСТИ (бирлиги)	КМИ (абс.)	КМИ (нисбий)
			ВБИ (г/см)	PWC (кг/м/мин)	PWC (ватт)				
1	М. В.	СУ	369,9	2170,3	399	3,9	115,8	5,844	91,4
2	А. Х.	СУ	404,6	1817,3	302,8	3,8	102,7	5,068	73,4
3	А. Д.	СУ	336,8	984,2	164	3,2	102,71	3,235	49,7
4	Ш. И.	1 разряд	335,9	1127,2	187,7	3,2	102,71	3,549	56,3
5	Б-П. Д.	1 разряд	353,9	1419	236,5	3,8	122,4	4,191	62,5
6	З. И.	СУ	306,8	1657,2	276,2	4,4	137,6	4,715	87,3
7	Х. Е.	СУ	395,4	1056,1	176	4,3	114,5	3,394	48,4
8	Ж. К.	СУН	331,3	1483,3	247,2	3,7	112,2	4,333	80,2
9	Ш. А.	СУ	309,1	876,6	146	3,8	113,2	2,998	58,8
10	С. А.	СУ	371,1	2233,3	372,2	5	97,7	5,983	83,1
11	Д. Г.	СУ	365,8	1225,1	204	4	104,6	3,765	62,7
12	А. И.	СУ	494,5	1557,7	259,6	4,4	136,3	4,496	49,9
13	З. Л.	СУ	390,6	915,3	152,5	4,6	119	3,083	41,1
14	С. А.	СУН	323,5	680,3	113,4	3	91,7	2,56	51,3
15	С. Д	1 разряд	353,9	1419,1	236,5	3,8	122,41	4,19	62,5

Изоҳ: ВБИ – вазн-бўй индекси; PWC – жисмоний ишчанлик; ЎТС – ўпканинг тириклик сизими; ГСТИ - Гарвард степ-тести индекси; КМИ – кислороднинг максимал истеъмоли.

Диссертациянинг «Малакали баскетболчи қизларда тикланиш жараёнларининг самарадорлигини амалга оширишда лазер таъсирини қўллаш» деб номланган тўртинчи бобида, баскетболчи қизларнинг интеграл спорт тренировкаси асосида ўтказилган педагогик тажриба натижалари баён қилинган. Тайёргарлик босқичининг ҳар бир мезоцикли, хусусан тортувчи, базавий, назорат-тайёргарлик, мусобақаолди босқичи учун умумий ва махсус тайёргарликнинг ҳар хил томонларини ривожлантириш, техник-тактик ҳаракатларни такомиллаштириш мақсадида ТГ малакали баскетболчи қизларининг ҳаракат сифатларини ва техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштириш учун вақтни режалаштириш шкаласи ишлаб чиқилган (4-жадвалга қаранг).

Тренировка жараёнининг ҳар хил мезоциклларида малакали баскетболчи қизларнинг ҳаракат сифатларини ва техник-тактик ҳаракатларини такомиллаштиришга ажратиладиган вақтни режалаштириш

Мезоцикл, йил		Ҳаракат қобилиятларини такомиллаштириш					Техника			Тактика			Умумий йиғиндиси, мин
		Аэробли чидамлилиги, мин	Куч чидамлилиги, мин	Тезкорлик, мин	Тезкор-куч сифатлар, мин.	Йиғиндиси, мин	Ҳимоя, мин	Ҳужум, мин	Йиғиндиси, мин	Ҳимоя, мин	Ҳужум, мин	Йиғиндиси, мин	
Тортувчи	2018	174 0	270	80	150	2240	-	-	-	-	-	-	2240
	2019	315 8	-	-	482	3640	316	461	777	-	-	-	4417
Базавий	2018	550	150	170	60	930	358	287	645	488	388	876	2451
	2019	305	285	-	225	815	286	429	715	468	582	1050	2580
Назорат-тайёргарлик	2018	-	-	145	-	145	95	387	482	185	164	349	976
	2019	-	66	196	73	335	64	466	530	108	131	239	1104
Мусобақалди	2018	60	-	260	180	500	69	937	1006	381	232	613	2119
	2019	40	-	68	-	108	8	223	231	113	138	251	590
Умумий маълумотлар	2018	235 0	420	655	390	3815	522	1611	2133	1054	784	1838	7786
	2019	350 3	351	264	780	4898	674	1579	2253	689	851	1540	8691

Анъанавий дастур бўйича шуғулланадиган НГ ва биз томондан ишлаб чиқилган тажрибавий услубият билан шуғулланадиган ТГ баскетболчи қизларини педагогик тестлаш натижалари 5-жадвалда келтирилган. Жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилиш, 30 м югуришда ўсиш НГда 2,2%, ТГда – 3,6%, 100 м югуришда эса, мос равишда – 1,2% ва 4,2% ни ташкил қилди ($P < 0,05$). Олинган маълумотлар, ўсиш жисмоний сифатни генетик детерминантлиги даражасига, спортчиларнинг соматотипи тоифаларига, уларнинг малакаси, аэроб имкониятлари даражасига ва охир оқибатда, баскетболчи қизлар организмни юқори жисмоний юктамалардан кейин қанчалик тикланганлигига боғлиқ, деб ҳисоблашга асос бўлади. ТГда 100 м югуриш натижаларини ўсиши, баскетболчи қизларнинг спорт формасини аъло даражада эканлигидан далолат беради.

Чидамлилиқ 800 м югуриш тести натижалари бўйича баҳоланди. НГда ушбу сифатнинг ўсиши – 4,1%, ЭГда эса – 5,2% ни ташкил қилди. Баскетболчи қизлар учун информатив ҳисобланган тезкор-куч сифатларни намойиш қилиш учун тест сифатида жойидан туриб узунликка сакраш, жойдан туриб юқорига сакраш, ичи тўлдирилган тўпни улоқтириш тестлари қўлланилди. Жойидан туриб узунликка сакраш тестида тезкор-куч сифатларни ўсиши бир текис бўлиб, НГда – 2,4%, ЭГда – 3,0% ни ташкил

қилди. Мазкур машқни бажариш сифатида содир бўлаётган ўзгаришлар тренировка таъсирларига боғлиқ бўлишидан кўра кўпроқ соматик омилларга, хусусан, тана массасининг ортиши билан боғлиқ, деб тахмин қилиш мумкин. Жойидан туриб юқорига сакраш тестидаги натижаларнинг ўсиши НГда – 3,7%, ЭГда – 6,7% ни, ичи тўлдирилган тўпни улоқтириш тестида мос равишда 9,2% ва 13,9% ни ташкил қилди. Шунини айтиш жоизки, барча соматик типдаги баскетболчи қизларда юқорига сапчиш натижаларини ўсишини юқори суръати аниқланган (6,7%) (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳи баскетболчи қизларини тажрибагача ва тажрибадан кейинги жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=15)			Тажриба гуруҳи (n=15)			
	тажрибагача x±σ	тажрибадан кейин, x±σ	Ўсиш, %	тажрибагача x±σ	тажрибадан кейинх±σ	Ўсиш, %	Фарқларнинг ишончлиги, (P)
Тана узунлиги, см	174,13±1,4			176,80±1,32			
Тана массаси, кг	63,87±1,07	66,70±0,9	4,43%	64,53±1,29	68,60±1,02	6,3%	<0,05
МРИ-бўй-вазн кўрсаткичи	359,9±2,8	367,06±3,64	2,0%	362,88±2,27	379,21±2,3 2	4,5%	<0,05
30 м стартдан югуриш, сек.	4,65±0,03	4,55±0,05	-2,2%	4,61±0,03	4,45±0,03	-3,6%	<0,05
100 м югуриш, сек.	13,5±0,06	13,3±0,06	-1,2%	13,3±0,07	12,7±0,07	-4,2%	<0,05
800 м югуриш, мин/сек	2,23±0,45	2,21±0,41	-4,1%	2,21±0,57	2,16±0,36	-5,2%	<0,05
Жойидан туриб узунликка сакраш, см	248,9±2,22	254,9±1,98	2,4%	249,6±2,25	257,0±1,99	3,0%	>0,05
Жойидан туриб, баландликка сакраш, см.	55,32±1,84	57,35±1,56	3,7%	55,12±1,01	58,91±1,21	6,7%	<0,05
3 кг. тўлдирма тўпни улоқтириш, м.	7,80±0,61	8,12±0,56	9,21%	7,90±0,42	8,58±0,47	13,9%	<0,05
PWC-170(ватт)	185,54±1,9	220,02±1,54	18,6%	231,57±1,54	281,61±1,0 9	21,6%	<0,05
КМИ (л)	3,36±0,89	3,61±1,01	7,4%	4,09±0,54	4,54±0,12	11%	<0,05

Тана массаси ва бўй-вазн кўрсаткичи бўйича ишончли ўсиш аниқланган: НГ да тана массаси 4,43%, ЭГда – 6,3% га ортган. МПИ бўйича ўсиш НГда 2,0%, ТГда эса – 4,5%ни ташкил қилди (5-жадвал). Тана массасини тана узунлигига нисбатан кўроқ ўсиши, тана массасини анча ўзгарувчан белги эканлиги билан боғлиқ, бу тўғрисида баскетболчи қизларнинг морфологияси бўйича маълумотлари далолат беради.

Маълумки, мусобақа босқичидан кейин спортчи қизларда жисмоний ишчанлик қобилятини пасайиши, уйқунинг бузилиши, бўшашиш билан тавсифланадиган ортиқча толиқиш белгилари кузатилади. Бу, тикловчи тадбирларни ташкил қилиш ва амалга оширишни талаб қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз, ортиқча толиқишдан кейинги ўзини ўзи тиклаш босқичида

баскетболчи қизларнинг эндоген интоксикацияси ва иммун тизимининг фагоцитар бўғини фаоллиги кўрсаткичлари динамикасини ўргандик. НГдаги тикловчи тадбирлар анъанавий усулларни, ТГда эса, лазеротерапия усулини қўллаш билан бирга олиб борилди.

Спортчи қизларнинг ортиқча толиқиш ҳолатини баҳолаш учун қонда ўрта молекуляр пептидлар (ЎМП) миқдорини аниқладик. Ортиқча толиқиш ҳолатида баскетболчи қизларнинг организмида, қон таркибида ЎМП миқдорини 2 мартадан кўп ортиши билан тавсифланадиган эндоген интоксикацияни ривожланиши аниқланган.

НГ баскетболчи қизларида ортиқча толиқиш белгилари мавжуд бўлганида, биз, иммунитетни рағбатлантирувчи омиллар билан таъсирлантирмасдан туриб, эндоген интоксикацияси ва иммун тизимининг фагоцитар бўғини фаоллиги кўрсаткичлари динамикасини ўргандик. Тадқиқотлар, анъанавий тикловчи тадбирларни назарда тутган тренировканинг одатий режимига ўтиш лаҳзасидан 1, 2, 3, 4 ва 5 суткасида кейин ўтказилди. Қонда ЎМП миқдорини ўзгариши динамикаси, тикланишнинг барча босқичи давомида кўрсаткичларни барқарор пасайиши билан тавсифланди. Тикланишнинг бошланишидан 1 сутка кейин қонда ЎМП миқдори, ортиқча толиқиш ҳолатига нисбатан ↓1,31 мартани, 2 суткадан кейин – ↓1,59 мартани, 3 суткадан кейин – ↓1,81 мартани, 4 суткадан кейин – ↓1,89 мартани ва 5 суткада ↓2,20 мартани ташкил қилди (6-жадвал). Пасайишга барқарор анъанани кузатилишига қарамасдан, 4 сутка давомида қонда ЎМП миқдори кўрсаткичлари, толиқиш белгилари бўлмаган одатий ҳолат учун характерли бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончли ($p < 0,05$) юқори бўлди. Баскетболчи қизлар қонида ЎМП миқдорини ↓2,20 марта пасайишига қарамасдан, 5 суткага келиб у, бирмунча юқори даражада бўлган, яъни толиқиш белгилари бўлмаган одатий ҳолат учун характерли бўлган кўрсаткичларга нисбатан ↑1,27 мартагача юқори даражада бўлган. Бу, мустақил тикланишнинг 5-суткасига келиб, баскетболчи қизларнинг организмида эндоген интоксикациянинг қолдиқ ҳодисаларини биокимёвий белгилари мавжудлигидан далолат беради.

Спортчи қизлар организмни ортиқча толиқиш ҳолатидан тикланиши босқичини бошланишидан 1- ва 2-суткасида НГда НФМФ кўрсаткичларини ўзгариши динамикаси беихтиёр НСТ-тестда кўрсаткичларнинг юқори қийматларини сақланиши билан тавсифланади. Нейтрофиллар, тикланишнинг биринчи кунлари, фаоллашувнинг потенциал имкониятларидан 49-50% ни сафарбар қилади.

НГ баскетболчи қизлари организмни тикланишини бошланишидан кейинги 3-5 суткасида НСТ-тестдаги НФМФ кўрсаткичларини пасайишга бўлган барқарор анъанаси аниқланган: 3-суткада ортиқча толиқиш белгилари бўлган ҳолатга нисбатан НСТ-тест кўрсаткичлари ↓1,07 мартага, 4 суткада – ↓1,27 мартага ва 5 суткада ФМАН фаоллиги ↓1,35 мартага пасайган. НСТ-тест кўрсаткичлари пасайган сари потенциал (100%) имкониятдан сафарбар қилинадиган фаолликнинг улуши ҳам секин-аста пасаяди: 3-, 4- ва 5-суткада улар мос равишда 45,28%, 38,19% ва 36,19%ни ташкил қилди. Лекин, 4 сутка

давомида, пасайишга барқарор анъананинг бўлишига қарамасдан, НСТ-тест кўрсаткичлари спортчи қизларни ортиқча толиқиши белгиларисиз ҳолатидаги кўрсаткичларидан ишончли ($p < 0,05$) юқори бўлди. Тикланишнинг 5-суткасида НСТ-тестдаги НФМФ кўрсаткичлари сезиларли даражада (1,35 марта) пасайиши билан бирга, спортчилар учун меъёр ҳолатидагидан бирмунча ($\uparrow 1,11$ марта) юқори бўлди. Демак, баскетболчи қизлари организмини ортиқча толиқиш ҳолатидан ўзини ўзи тиклашининг 5-суткасига келиб, НСТ-тестдаги НФМФ кўрсаткичларининг қийматлари, меъёр ҳолатидаги спортчиларникига нисбатан бирмунча юқори қийматларга эга бўлган. Яъни, НСТ-тестдаги НФМФ кўрсаткичларини бирмунча юқори қийматлари – ўзини ўзи тиклашнинг мазкур босқичида эндоген интоксикациянинг сақланиб турган мўътадил даражасига иммун реакциянинг жавобини акси ҳисобланади.

Тери орқали паст жадалликдаги магитли-инфрақизил лазеротерапиянинг самарасини ўрганиш мақсадида, ТГда охириги жадал тренировкадан кейин 5-6 соат ўтганда ва кийинги 3 кун давомида “МИЛТА” лазеротерапевтик аппарат ёрдамида томирусти лазеротерапия сеансларини ўтказдик. Лазеротерапия курси 4 кун давомида, кунига 1 та сеансдан ўтказилди. Лазеротерапиянинг 1 та сеанси 5-7 минут давом этди. Баскетболчи қизлар тикланишнинг бошланиши лаҳзасидан 1, 2, 3, 4 ва 5 суткаларида тадқиқ қилинди. Ушбу муддатларда эндоген интоксикация (қонидаги ЎМП миқдори) ва иммунитет тизимидаги фагоцитар бўғиннинг фаоллиги (НСТ-тестдаги НФМФ) кўрсаткичларини ўзгаришлари динамикаси ўрганилди.

Лазеротерапияни баскетболчи қизлар организмини ортиқча толиқиш ҳолатидан тикланиши босқичида эндоген интоксикация кўрсаткичларини ўзгариши динамикасига таъсирини акс этадиган кўрсаткичлар 6-жадвалда келтирилган. Таққослаш учун ушбу жадалга спортчилар организмини ўзини ўзи тиклаши жараёнидаги эндоген интоксикация кўрсаткичларини ўзгариши динамикаси киритилган.

